
“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Бағдод тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Абдумалик Абдурахмоновнинг ҲИСОБОТИ

Хабарингиз бор, жорий йил 16 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Давлат солиқ қўмитасига ташриф буюриб, солиқ соҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида солиқ органлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини тинглаши, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларни тушунтириши, уларга кўмакчи бўлишлари юзасидан қатор топшириқлар берган эди.

Мазкур топшириқлар ижроси, шунингдек, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида солиқ тўловчиларга янада сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан тадбиркорлар билан турли очиқ мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2022 йил апрель ойи давомида Фарғона вилояти Бағдод тумани ДСИ томонидан 433 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 331 та тадбиркорлик субъектларига 21 та дастлабки бухгалтерия ҳисоботларини юритиш, 22 та “Е-актив” бўйича тушунча бериш ва ундан қандай фойдаланиш бўйича кўмаклашиш, 25 та солиқ ҳисоботларга кўмаклашиш ва тушунтириш, 80 та солиқ қарздорлиги бўйича маълумот олишда кўмаклаш, 96 та ШХВ дан нусха бериш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча АОС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари бундан буён ҳам, албатта, Президентимиз белгилаб берганларидек, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида ўз фаолиятимизни давом эттирамиз.

2022-05-10 21:26:22